

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АНДАНИЯЗОВА ДИЛРАБО РЎЗИҚУЛОВНА

**БАДИИЙ МАТНДА ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАР
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

УЎК: 81'373.2:81-26(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Анданиязова Дилрабо Рўзикуловна

Бадий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси..... 3

Анданиязова Дилрабо Рузикуловна

Лингвопоэтика ономастических единиц в художественном тексте..... 21

Andaniyazova Dilrabo

Linguopoetics of onomastic units in literary text 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АНДАНИЯЗОВА ДИЛРАБО РЎЗИҚУЛОВНА

**БАДИИЙ МАТНДА ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАР
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Fil1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Каримов Суюн Амирович филология фанлари доктори, профессор Собиров Абдулхай Шукурович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» «_____» соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58; fax: (99871) 246-53-21; e-mail:tdutau_nazorat@edu.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестер баённомаси).

Ш.С.Сирожидинов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ё.Р.Одилов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, филол.ф.д.

Н.М.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё тилшунослигида бадиий матндаги ономастик бирликларга ёндашувда интегратив характердаги илмий ишлар устувор бўлиб, уларда аллюзив номлар, ономастик метафора, бадиий матннинг ономастик кўлами, номларнинг интертекстуаллик билан алоқадор жиҳатлари каби муаммоларни тадқиқ қилиш, шунингдек, ономастик бирликларнинг лингвопоэтик, лингвокультурологик омилларини очиб бериш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида миллий ўзлигимизни англаш, халқ маънавиятини юксалтириш, ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, «Давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди»¹. Натижада тилнинг халқ тарихи, маданияти ва маънавиятининг ўзига хос ифодачиси, юксак эстетик қиммат ҳамда ҳадсиз ифода имкониятларига эга хазина эканлиги ҳақидаги ойдин ҳақиқат барқарорлашди. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида лингвопоэтик ёндашувнинг такомиллашуви бадиий матнни ташкил қилувчи тил бирликларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш масаласини юзага келтирди. Чунки ҳар қандай тил бирлиги бадиий матнда муаллифнинг бадиий ниятига хизмат қилувчи бебаҳо воситага айланиши ҳамда ўзига хос поэтик қонуниятларни намоён қилиши мумкин. Жумладан, ономастик бирликлар ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбек номшунослигида ономастик бирликларнинг умумназарий масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар яратилган бўлса-да, уларнинг бадиий матндаги эстетик вазифалари, лингвопоэтик хусусиятлари махсус тадқиқ қилинмаган. Хусусан, тилимиздаги киши номлари, турли географик объектларга қўйилган номлар бадиий матнда муайян объект номигина бўлиб қолмасдан, балки ижодкорнинг хилма-хил бадиий ниятларини таъкидлаш учун ҳам хизмат қилади. Бу эса ономастик бирликларга ниҳоятда бой тилимизнинг мазкур бирликлар воситасида юзага келувчи ифода имкониятларини аниқлаш, ўзбек бадиий матнларидаги номларни халқимизнинг тарихи, маънавий-маданий қадриятлари билан биргаликда ўрганиш муҳимлигини кўрсатади.

Дунё тилшунослигининг янги илмий концепциялари асосида ономастик бирликларнинг бадиий матнни шакллантиришдаги ўрни ва вазифалари, номларнинг номинатив вазифасидан ташқари рамзий маъноларни англатиши, уларнинг лингвопоэтик хусусиятлари, ўзбек лингвомаданиятида тутган ўрни каби масалаларни тадқиқ этиш диссертация мавзусининг замонавий тилшунослик учун долзарблигини исботлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги тахрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 86.

«Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сон қарори талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда дунё филологларининг диққат марказида бўлган масалалардан бири ономастик бирликларнинг бадиий матндаги ўрни масаласидир. Бу борада ономастик бирликларга бадиий матннинг кўпқатламлилигини таъминловчи поэтик восита сифатида ёндашилган бир қатор тадқиқотлар яратилди. Ономастик бирликлар бадииятига бағишланган илк тадқиқотлар В.Н.Михайлов, Э.Б.Магазаник, Л.И.Колоколова, С.И.Зинин каби олимлар томонидан олиб борилган². Шунингдек, украин тилшуноси В.М.Калинкиннинг мазкур мавзуда олиб борган тадқиқотлари алоҳида эътирофга лойиқ³. Айтиш жоизки, бугунги кунда ушбу мавзуга бағишланган ишларнинг кенг қамровда амалга оширилаётгани ономастик бирликлар бадииятини ўрганувчи алоҳида соҳа – ономапоэтиканинг шаклланишига сабаб бўлди.

Ўзбек тилшунослигида бадиий матннинг лингвопоэтик хусусиятлари, муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати каби масалалар махсус ўрганилган. Жумладан, И.Мирзаев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, М.Яқуббекова ҳамда М.Йўлдошевларнинг тадқиқотлари илмий-назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга⁴. Ономастик бирликларнинг бадиий матндаги

² Михайлов В.Н. Собственные имена персонажей русской художественной литературы XVIII и первой половины XIX в., их функции и словообразование: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1956; Магазаник Э.Б. Поэтика имен собственных в русской классической литературе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967; Колоколова Л.И. Ономастика в художественной речи А.П.Чехова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1970; Зинин С.И. Имена персонажей в художественной литературе и фольклоре / С.И. Зинин, А.Г. Степанов // Антропонимика. – М., 1970. – С. 330–355.

³ Бу ҳақда қаранг: Калинкин В.М. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Киев, 2000; Калинкин В.М. Поэтика онама. – Донецк, 1999.

⁴ Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992; Нурмонов А. Тилшуносликнинг адабиёт билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдли. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 3-жилд. – Б. 163; Маҳмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – № 6. – Б. 48-51; Шу муаллиф. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. – № 4. – Б. 34-36; Шу муаллиф. Шайхзода сўзининг лингвопоэтикасига чизгилар / Ўзбек

ўрни, лингвопоэтик хусусиятлари эса хануз мукамал тавсифини топмаган. Бу борада ономастик бирликларнинг услубий хусусиятлари ҳақида айтилган айрим фикрлар мавжудлигини таъкидлаш мумкин⁵. Бой адабиётимиз намуналарида қўлланган ономастик бирликларнинг лингвопоэтик таҳлил тамойиллари асосида махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзуни монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот режаси ҳамда ФА-Ф1-ГО41 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» (2012–2016 йй.), ФА-ИЗ-Г009 «Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи» китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» (2015–2016 йй.) лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий матндаги ономастик бирликларни лингвопоэтик тамойиллар асосида тасниф ва тавсиф қилиш ҳамда уларнинг поэтик актуаллашувини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

филологияда ономапоэтика йўналишининг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёт босқичларини аниқлаш;

ономастик бирликлар эстетик вазифасининг намоён бўлиш механизмларини аниқлаш, шу асосда уларнинг лингвопоэтик қимматини очиб бериш;

антропоэтонимларнинг бадиий матндаги вазифаларини аниқлаш;

топоэтонимларнинг лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бадиий матнда муайян лингвопоэтик мақсад билан қўлланган ономастик бирликлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ономастик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, контекстуал таҳлил, синхрон ва диахрон ёндашув ҳамда лингвопоэтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ономастик бирликларнинг бадиий матнда муайян объект номини атаб келиш билан бирга ижодкорнинг турли бадиий ниятларига ҳам хизмат қилиши аниқланган;

тилшунослигининг долзарб масалалари. Илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 12-17; Якуббекова М.М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2005; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Шу муаллиф. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009.

⁵ Каримов Қ. «Қутадғу билиг» асарида учрайдиган шахс номлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967. – № 2. – Б.42; Қиличев Э. Айний асарларидаги антропоэтонимларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – № 4. – Б. 22; Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Рашидова М. Ўзбек тилидаги лақабларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2008; Ҳусанов Н. Ўзбек антропоэтонимлари тарихи. – Тошкент: Наврўз, 2014.

ономапoeтикада турли шаклларда қўлланаётган терминларни тартибга солиш юзасидан аниқ хулосалар илгари сурилган ҳамда мазкур соҳанинг терминологик аппарати шакллантирилган;

ўзбек тилшунослигида илк марта ономастик бирликлар лингвопoeтикасининг тадқиқи билан боғлиқ «пoeтоним», «антропoeтоним», «топопoeтоним», «зоопoeтоним», «ономастик метафора», «сўзловчи ном» каби терминларнинг моҳияти ёритиб берилган;

антропоним ва топонимларнинг ономастик метафора, аллюзив ном, «сўзловчи» ном каби лингвопoeтик вазифалари аниқланган;

ономастик бирликларда ўзбек миллати менталитетига хос жиҳатлар, унинг тафаккур тарзи ўз аксини топиши фактик материаллар асосида далилланган;

метафоранинг ономастик бирликлар воситасида ҳосил бўлувчи кўриниши – ономастик метафоранинг ўзбек тилидаги бадиий матнларда лингвопoeтик восита сифатида воқеланиши мисоллар асосида очиб берилган;

аллюзив ва «сўзловчи» номларнинг бадиий матндаги ўрни ва аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ономастик бирликларнинг лингвопoeтик хусусиятларини ўрганиш натижасида олинган хулосалар ўзбек тилининг бадиий имкониятларини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган «Ўзбек тили пoeтонимларининг изоҳли луғати» она тили таълимида ўқувчиларнинг филологик сезгисини ошириш, шунингдек, номлар замирида яширинган маъноларни англашга хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тавсифлаш, лингвопoeтик таҳлил каби усуллар билан асослангани, ономастик бирликларга ўзбек тилининг табиатидан келиб чиқиб ёндашилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда ўзбек филологиясида долзарб бўлиб турган матн тилшунослиги, бадиий матн лингвопoeтикаси ва ономастик бирликларнинг бадиий матнда қўлланиши масалалари юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ўзбек тилининг бадиий имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим назарий маълумотлар беради, шунингдек, тадқиқот бадиий матннинг лингвопoeтик таҳлили, ўзбек тили услубияти, матн тилшунослиги каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувиغا, ономастик бирликларнинг бадиий матндаги ўрнини аниқлашга, лингвопoeтик хусусиятларининг назарий асосларини яратишга, соҳа терминологик тизимининг ишлаб чиқилишига хизмат қилади ҳамда

ономастик бирликларда ўзбек миллати менталитети, унинг тафаккур тарзи акс этишини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий матнда ономастик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқот давомида илмий асосланган ономастик бирликлар бадиияти билан боғлиқ ўзбек тилшунослигида илк марта қўлланилган «ономапоэтика», «поэтоним», «антропоэтоним», «топопоэтоним», «бадиий матннинг ономастик кўлами», «ономастик метафора» каби терминлар, бадиий матнда мустақиллик йилларида фаол қўлланаётган *Алломиш*, *Амир Темур*, *Жалолiddин Мангуберди*, *Барчин*, *Тўмарис*, *Ҳумо* каби номларнинг ўзбек миллий менталитетини ёритишдаги аҳамияти ҳамда бадиий матндаги ўрнига оид назарий хулосалар ФА–Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» (2012–2016) номли фундаментал лойиҳага татбиқ этилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 5 майдаги ФТК-0313/519-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек тили терминлар тизими бойиган, номларнинг рамзий маънолари очиб берилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Ўзбекистон», «Умр зийнатлари», «Шарқона маскан», «Геран илдизлар», «Тил зийнати» кўрсатувлари ҳамда «Қадрият» эшиттиришида ушбу кўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материаллар тадқиқотчи томонидан тавсия этилган номлар бадиияти, ўзбек халқининг фарзандга исм қўйиш билан боғлиқ айрим мулоҳазалари, ном қўйиш маданияти, расмий ҳужжатларда исмларни тўғри ёзишга эътибор бериш каби фикрлари билан бойитилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 5 июлдаги 05-15/2892-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинлар ушбу масалалар юзасидан маълумотларга эга бўлган;

тадқиқот натижаси сифатида олинган хулосалар туркийшунослик тажрибасида янги турдаги лексикографик ишлардан бири сифатида тайёрланган «Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати»га жорий қилинган ва унда 200 дан ортиқ ономастик бирликларнинг лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятлари изоҳлаб берилган. Мазкур луғатдан фан ва таълим тизимида номларнинг бадиий асарларда тутган ўрнини ўрганишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 38 та илмий иш, жумладан, 1 та монография ва 1 та изоҳли луғат (хаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 10 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 160 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ономастик бирликларнинг бадий матндаги ўрни**» деб номланган биринчи бобида тилшуносликда поэтик ономастика масаласи, ономастик бирликларнинг бадий матндаги вазифалари, прецедент ном, ономастик метафора, «сўзловчи» номлар, аллюзив номлар моҳияти ҳамда бадий матннинг ономастик кўлами тадқиқ қилинган.

Кейинги йилларда дунё филологларининг диққат марказида бўлган масалалардан бири ономастик бирликларнинг бадий матндаги ўрни муаммосидир. Бу борада ономастик бирликларга бадий матннинг кўпқатламлилигини таъминловчи поэтик восита сифатида ёндашилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд⁶. Уларда номларнинг бадий асардаги вазифалари хусусида фикрлар билдирилган. Жумладан, В.Д.Бондалетов номлар бадий матнда номинатив вазифа билан бир қаторда тавсифий, ғоявий, эстетик ва рамзий вазифаларни бажаради, деб ҳисоблайди⁷. Айрим ишларда номларнинг ўхшатиш вазифасида келишига асосий эътибор қаратилган бўлса⁸, баъзиларида метафорик маъно касб этиши алоҳида вазифа сифатида кўрсатилган⁹.

Бугунги кунда дунё тилшунослигида поэтик ономастика фанлараро интеграция маҳсули бўлган алоҳида соҳа сифатида шаклланиб борапти.

⁶ Михайлов В.Н. Экспрессивные свойства и функции собственных имен в русской литературе // Филологические науки. – М., 1966. – № 2. – С. 54-66; Магазаник Э.Б. Поэтика имен собственных в русской классической литературе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967; Шу муаллиф. Ономапоэтика или «говорящие имена» в литературе. – Ташкент: Фан, 1978; Зинин С.И. Введение в поэтическую ономастику // [www.planeta-imen.pisod.ru / litonomastika/main.html](http://www.planeta-imen.pisod.ru/litonomastika/main.html).; Фоянкова О.И. Имя собственное в художественном тексте: Учеб. пособие. – Л., 1990; Калинин В.М. Поэтика онима. – Донецк, 1999; Шу муаллиф. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Киев, 2000; Жаппар К.З. Эстетические функции имен собственных в поэзии О.Сулейменова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алмата, 2000; Гаррапова Г.Х. Поэтическая ономастика прозы Мухаммета Магдеева: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2000; Виноградова Н. В. Имя в художественном тексте: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тверь, 2002; Хамитова Л.М. Поэтический ономастикон в татарских детских стихотворениях: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Елабуга, 2007; Курбонмамадов С.Х. Семантико-стилистические особенности поэтонимии «Шахнаме» Абулкаси́ма Фирдавси: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2014.

⁷ Бондалетов В.Д. Русская ономастика. – М.: Просвещение, 1983. – С.28.

⁸ Супрун В.И. Ономастическое поле русского языка и его художественно-эстетический потенциал. – Волгоград, 2000. – С. 17.

⁹ Воронцов Р.И. Ономастическая метафора в русском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2012. – С. 14.

Маълумки, қадимий поэтика фанининг тилшуносликка татбиқи натижасида бу борадаги тадқиқотлар самараси ҳам, камрови ҳам бениҳоя кенгайиб кетди. Ҳатто ишлар шу даражада такомиллашдики, XX аср аввалида ўртага ташланган фикрлар етилиб, ўтган аср охирида поэтиканинг махсус тури – лингвопоэтика пайдо бўлди.

Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи фанлараро ҳамкорлик тамойилига асосланган бўлиб, бунда бадиий матн, поэтика ва тилшуносликнинг хусусий муаммоси ҳисобланган ономастика соҳаси муайян мақсад асосида ўзаро бирлашади.

Поэтик ономастика ҳам бевосита бадиий матн билан боғлиқ соҳа ва унга доир ишларда бадиий матндаги ономастик бирликларнинг ижодкор бадиий мақсадига мувофиқ тарзда қўлланиш жиҳатларига диққат қаратилади.

Поэтик ономастиканинг мустақил тадқиқот соҳасига айланиши ўзига хос терминологиянинг шаклланишига сабаб бўлди. Бадиий матндаги ономастик бирликларнинг экспрессив хусусиятлари дастлаб «ономапоэтика», «поэтик ономастика» терминлари остида ўрганилган¹⁰. Бу борада украин тилшуноси В.М.Калинкин айна соҳа номи ва бирликлари терминологиясида бир хиллик йўқлигини, яъни соҳа номи «адабий ономастика», «услубий ономастика» ва «поэтик ономастика» деб юритилаётганини айтиб, қўлланаётган баъзи терминлар ходиса моҳиятини тўлиқ тавсифлай олмаслиги ҳақида алоҳида тўхталган. Олим ушбу мавзу юзасидан илк самарали тадқиқотлар олиб борган тилшунос С.И.Зинин қарашларига мувофиқ тарзда номлар поэтикасини ўрганувчи тилшунослик соҳасини «поэтик ономастика» деб аташ маъқул дейди¹¹.

Бизнингча, ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи масалалари тилшунослигимизда мавжуд бўлган «фонопоэтика», «морфопоэтика», «синтактик поэтика» терминларига асосан «ономапоэтика» термини остида ўрганилса, терминлар тизимига мос бўлади.

Соҳа терминологик тизимидаги асосий терминлардан бири «поэтоним»дир. “Поэтоним” термини илк бор 1956 йилда В.М.Михайлов томонидан қўлланган бўлиб, мазкур термин моҳиятан «бадиий асарда қўлланган ҳар қандай исм»ни ифодалаш учун ишлатилган¹². Кейинчалик С.И.Зинин ушбу терминга алоҳида диққат қаратган ва бир қатор тадқиқотлар олиб борган. Мазкур тадқиқотлар айна соҳа терминологиясини тартибга солгани, «поэтоним» сифатида ҳар қандай ономастик бирлик эмас, балки бадиий юки, поэтик қиммати бор номларгина тушунилгани билан ҳам

¹⁰ Магазаник Э.Б. Ономапоэтика или “говорящие имена” в русской литературе. – Тошкент: Фан, 1978. – С. 33; Зинин С.И. Имена персонажей в художественной литературе и фольклоре / С.И. Зинин, А.Г. Степанов // Антропонимика. – М., 1970. – С. 330–355; Фоякова О.И. Имя собственное в художественном тексте. – Л., 1990. – С. 104; Калинкин В.М. Поэтика онама. – Донецк, 1999.

¹¹ Калинкин В.М. Кўрсатилган асар. – Б. 9.

¹² Бу ҳақда қаранг: Калинкин В.М. Поэтика собственных имен в произведениях романтического направления: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Донецк, 1987. – С. 4.

муҳим¹³. С.И.Зинин поэтик юки бор шахс номларини «поэтик антропоним», поэтик юки бор жой номларини «поэтик топоним» ҳамда айни хусусиятли ҳайвон ва қуш номларини эса «поэтик зооним» деб атаган¹⁴.

Бизнингча ҳам, бадиий матндаги ҳар қандай ном эмас, балки ижодкор бадиий ниятини ёритишга хизмат қилган номлар поэтоним термини остида ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Чунки айни термин ономастик бирликлардан ясаладиган поэтонимларнинг ички турларини номлашда ҳам қулайдир. Масалан, поэтик юкли шахс номларига нисбатан «антропоним» эмас, балки «антропоэтоним», ҳайвонларга атаб қўйилган номлар учун «зоопоэтоним», жой номларига нисбатан «топопоэтоним» тарзидаги соф соҳавий терминларни қўллаш соҳага оид терминларни бир қадар тартибга солишга ёрдам беради.

Ономастик бирликлар бадиий матнда ономастик метафора, аллюзив ном, «сўзловчи» ном каби лингвопоэтик вазифаларда келади. Шунингдек, бу бирликлар ижодкорнинг субъектив муносабатини ифодалаб келувчи, матнни шакллантирувчи восита ҳамдир. Номларнинг юқоридаги вазифалари бадиий матнда бошқа лингвопоэтик воситалар қаторида муҳим аҳамият касб этади.

Ономастик бирликлар ҳам бадиий матнда метафорик маънода қўлланиши мумкин. Метафоранинг бу тип бирликлар билан намоён бўлиши *ономастик метафора* деб юритилади ва у муайян ономастик бирликни ном бўлмаган бошқа сўз ёки сўз бирикмаси англатган маъно ўрнида қўллашга асосланади. Масалан, *Ҳотам* антропонимини “ўта саховатли одам” маъносида қўллаш ўзбек бадиий нутқида анъанага айланган бўлиб, буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин: *Оч ётганга емак бер, Ҳеч бўлмаса кўмак бер – Суяб элт бир Ҳотамга* (А.Обиджон. «Оч ётганга емак бер»).

Ономастик бирликларнинг яна бир вазифаси сифатида уларнинг аллюзив ном сифатида қўлланиб, матнларда катта ҳажмли ахборотни ихчам шаклда ифодалаш имкониятини юзага келтиришини айтиш мумкин.

Маълумки, тарихий воқеалар, машҳур асарлар, диний, мифологик ривоятлар ва шу каби кенг оммага маълум бўлган фактларга ишора қилиш, улардаги номлар ва турғун тушунчаларни бадиий матнга олиб кириш усули – аллюзия бадиий матнда кенг тарқалган. Бунда, айниқса, антропонимлар интертекстуал матн унсури вазифасида кўп қўлланиб, аллюзив ном сифатида лингвопоэтик қимматга эга бўлади.

Ўзбек адабиётини кузатиш шундан далолат берадики, аллюзив номлар, айниқса, шеърятда муҳим ўринни эгаллайди. Шеърый матнда қўлланган аллюзив номлар таҳлили муайян ижодкор асарлари ономастик кўлами ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Масалан, Э.Воҳидов ўз шеърларида шоирлар номи ҳамда бадиий асар персонажлари номларидан турли бадиий мақсадларда маҳорат билан фойдаланганини

¹³ Бу ҳақда қаранг: Зинин С.И. Литературная (поэтическая) ономастика. Классификация поэтонимов // www.planeta-imen.narod.ru.

¹⁴ Зинин С.И. Введение в поэтическую ономастику // ([planeta-imen.narod.ru /litonomastika/main.html](http://planeta-imen.narod.ru/litonomastika/main.html).)

кўриш мумкин. Қуйидаги мисолда *Лайли ва Мажнун* аллюзив номларига ишора қилиш орқали лирик қаҳрамоннинг ошиқлик ҳолатини бўрттириб ифодалашга эришилган: *Жаҳонда икки дилбарнинг Бири сенсан, бири Лайло. Жаҳонда икки ошиқнинг Бири менман, бири Мажнун.* (Э.Воҳидов. «Рубобим тори иккидур»).

Ономастик бирликларнинг яна бир вазифаси улар воситасида бадий санъатлар ва услубий фигуралар ҳосил қилишдир. Ономастик бирликлар бадий матнда *тажнис, талмеҳ, ташбеҳ, иштиқоқ, иттифоқ, нидо* каби бадий санъатларни ва бир қатор услубий фигураларни юзага келтиришда муҳим воситалардан бири сифатида иштирок этади. Масалан, Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасида *Фурқат, Муқимий, Афғон* каби ономастик бирликларнинг ўз апеллятив асослари (*фурқат, муқийм, афғон*) билан ёнма-ён қўллаш усулидан фойдаланилган. Бунда бир хил шаклдаги икки сўз икки хил тушунчани ифодалаб келган: *Фурқат* – шоир таҳаллуси; *фурқат* – айрилик; хижрон ва ҳ.к. Натижада тажнис санъатининг ўзига хос кўриниши ҳосил бўлган: *Йиғлади фурқатда Фурқат Ҳам муқимликда Муқийм, Нолишингдан Ҳинду Афғон Қилди афғон, ўзбегим* (Э.Воҳидов. «Ўзбегим»). Ишда бадий матннинг ономастик кўлами масалалари ҳам атрофлича ёритилган.

Тадқиқотнинг «**Бадий матнда антропонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида бадий асар қаҳрамонларининг алоҳида эстетик вазифа бажарувчи исмлари, отаисмлари, лақаб ва таҳаллуслари лингвопоэтик ёндашув асосида тадқиқ қилинган.

Бадий матнда қўлланиладиган антропонимларга соф лингвистик назарияларни исботлаш учун керак бўладиган материал сифатида қарамаслик керак. Чунки бадий асарда қўлланилган атоқли отлар, энг аввало, ёзувчининг бадий ниятига, асарнинг умумий поэтикасига хизмат қилади. Негаки «бадий матн ижодкорнинг дунёни, воқеликни образли-эстетик идрок қилиши маҳсули сифатида пайдо бўлади. Бадий матннинг яратилиши ҳам, унинг ўзи ҳам, бадий бутунлик сифатида ўқувчи томонидан тушунилиши, идрок этилиши ҳам мураккаб эстетик фаолиятдир»¹⁵. Антропонимлар асар эстетик моҳиятининг тез ва қулай англанишига ёрдам берувчи лисоний восита, ёзувчи ва китобхон орасидаги ўзига хос кўприк ҳисобланади. Маҳоратли ёзувчилар бу воситадан унумли фойдаланадилар. Бундай бирликлар лингвопоэтик жиҳатдан муайян вазифаларни бажаришга мосланган бўлади. Шунингдек, антропонимлар семантик ва эстетик жиҳатдан алоҳида хусусиятларга эга бўлади. Ёзувчилар қаҳрамон исмига унинг ҳатти-ҳаракати, феъл-атвори билан боғлиқ ахборотларларни жойлаш баробарида ўзининг дунёга боқиш тарзини ҳам юклаган бўлади.

Антропонимларни лингвопоэтик нуқтаи назардан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бадий матнда улардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: 1) аллюзив ном сифатида матнни шакллантириш ҳамда интертекстуалликни

¹⁵ Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. ...д-ри. дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 163.

таъминлаш; 2) комик эффект ҳосил қилиш; 3) салбий ёки ижобий баҳони экспрессив ифодалаш; 4) кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалаш; 5) риторик фигура таркибида келиб тасвирни тиниқлаштириш; 6) турли маънодаги мурожаатни ифодалаш.

Бадиий матнда қўлланувчи антропонимларни моҳиятига кўра қуйидагиларга ажратиш ўринли деб ҳисоблаймиз: 1. Одатдаги (реал антропонимлар). 2. Тўқима антропонимлар. 3. Тарихий антропонимлар. 4. Мифологик антропонимлар. 5. Бир асардан иккинчи асарга кўчиб ўтувчи анъанавий номлар.

Реал номлар деганда, одатда, тилдаги мавжуд исмлар фондига кирувчи номлар тушунилади. Бадиий матнда барча реал номни ҳам поэтик аҳамиятга эга деб бўлмайди. Реал номларнинг апеллятив маъносига ишора қилиш орқали ижодкор муайян бадиий ниятини ифодалайди. Масалан, А.Қаҳҳорнинг «Қобил бобо» асаридаги *Қобил* исми орқали исмнинг апеллятив асоси бўлган *қобил* сўзининг «*сўзга кирадиган; ювош, мўмин*» маъноси орқали қаҳрамоннинг характериға, хатти-ҳаракатиға ишора қилинган: *Элликбоши ўзри тешган ерни яна бир кўрди. Қобил бобо, қўл қовуштириб, унинг кетидан юрар ва йиғлар эди...*

Бадиий матнда, айниқса, тўқима поэтонимлар жиддий экспрессив вазифа бажариб келади. Маҳоратли ижодкор ўз бадиий ниятиға мувофиқ турли номларни яратади. Масалан, А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида Кумушнинг Отабекка ёзган мактубида *Кумуш* номи ўрнида *Тупроқбиби* номи қўлланади. *Тупроқбиби* тилимиздаги мавжуд ономастик қолип асосида (*Кумушбиби, Ойшабиби* каби исмларға хос тарзда) ёзувчи томонидан мақсадли қўлланган ном бўлиб, айти пайтда тухмат билан уюштирилган мактубни ўқиғач, Кумушбибида кечган ички ҳолатни тасвирлашда муҳим лингвопоэтик қиммат касб этган. Ёзувчи ўзини Отабек томонидан алданган, хўрланган деб ўйлаб, қадр-қиммати ер – тупроқ билан битта бўлган ҳолда ҳис этган Кумушбибининг ички ҳолатини кўрсатиб беришни *Тупроқбиби* поэтонимиға юклаган. Бу ўринда *Кумушбиби* ва *Тупроқбиби* антропонимлари апеллятив асослари (*кумуш* ва *тупроқ*) ўртасидаги маъновий зидлик ҳам Кумушнинг ўша вақтдаги ҳолатини аниқ ва таъсирчан ифодалашға хизмат қилган: *...Ташиландиқликнинг сўнг ўтинчи қилиб сиздан шуни сўрайман: учинчи ёр топганда, иккинчи бечораға ҳам шундай уятсизлик қилинмаса эди! Сизға ёр, менға уятсизликнинг қурбони бўлиш муборак! Кумуш эмас, Тупроқбиби ёздим, 17 жавзо 1265 йил. Марғилон (А.Қодирий. «Ўткан кунлар»).*

Шунингдек, миллий ном қолиплари асосида ҳосил қилинган *Шошмақул* (С.Айний), *Харажатхон*, *Хушчақчақий*, *Жўқи Жўқиев* («Муштум» журналида қўлланган тўқима номлар) каби шартли номлар ҳам бадиий матнда жиддий экспрессивликни юзаға келтиради. Демак, тўқима номлар, асосан, номнинг апеллятив асоси маъносига ишора қилиш орқали лингвопоэтик мақсад ифодасига хизмат қилади.

Тарихий ва мифологик антропонимларға бадиий матннинг кўпқатламлилигини ҳосил қилишда кўп мурожаат қилинади. Қуйидаги

мисолда тарихда салбий ном қолдирган шахс – Мажидиддин ва Мўмин Мирзо фожиаси билан боғлиқ фитнага ишора қилинган. *Тулки Мажидиддин* ифодасида антропоним ўз маъносида қўлланган бўлса, *Аммо Мажидиддин юрибди яшаб* мисрасидаги *Мажидиддин* кўчма маънода қўлланган ва шайтон малайи, разил одам маъноларини англатиб, ономастик метафора вазифасини бажарган: *Хусайн Бойқаро – Темурий султон Тулки Мажидиддин макрига учди – Ҳазрат Навоийни сурди-ю бир ён, Шайтон малайини дўстим деб қучди... Бу-ку, эски тарих, Отилган бир ўқ – Сал кам олти аср олдин бўлган гап. Бугун Навоий йўқ, Шоҳ, Шаҳзода йўқ... Аммо Мажидиддин юрибди яшаб...* (Б.Исо. «Сабоқ»).

Хуллас, антропонимлар бадиий матнда лингвопоэтик жиҳатдан актуаллашиб, асосан, матн яратувчи ёки асар персонажининг субъектив муносабатини ифодалашга, шунингдек, турли бадиий санъатларни шакллантириш, образ характериға хос айрим жиҳатларига ишора қилиш, асарға комик эффект бағишлашга хизмат қилади.

Ишнинг «**Бадиий матнда топонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида бадиий асар тилида алоҳида эстетик вазифа бажарувчи жой номлари бадиияти ўрганилган.

Ўзбек тилидаги ономастик бирликларнинг салмоқли қисмини географик объектларға қўйилган номлар – топонимлар ташкил этади. Топонимлар ўзбек тили луғат бойлигининг муҳим қисми бўлиб, уларни лексик-семантик, грамматик, этимологик ва поэтик жиҳатдан таҳлил қилиш тилшунослар олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Хусусан, топонимларнинг бадиий матндаги ўрни, ижодкор бадиий ниятини ёритишдаги турли вазифаларини ўрганиш бу бирликларнинг кенг имкониятларини кўрсатишға ёрдам беради. Бошқа тилшуносликларда топонимларнинг бадиий матндаги поэтик хусусиятлари ёритилган ишлар сифатида Т.К.Полякова, И.В.Грузнова, Л.А.Долбунова, Е.В.Дюкова кабиларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин¹⁶. Ўзбек тилшунослигида Ф.Исҳоқов, Б.Умуркулов, Б.Чориев¹⁷ каби тилшуносларнинг бадиий адабиётда турли мақсадлар билан қўлланадиган топонимларнинг услубий хусусиятларига бағишланган ишлари эълон қилинган. Э.Бегматов топонимларни лисоний ва маънавий ҳодиса сифатида тадқиқ қилган эди. Шу ўринда топонимларнинг бадиий матнда яна бир алоҳида вазифани, яъни эстетик вазифани бажаришини таъкидламоқ жоиз. Бадиий асарда қўлланган ҳар бир восита сингари топонимлар ҳам ёзувчининг бадиий ниятиға хизмат қилади. Бадиий матндаги воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бундай маконларнинг атоқли номлари ҳақида тилшунос Э.Қиличев шундай дейди:

¹⁶ Полякова Т.К. О поэтической топономастике в стихах М.В.Исаковского // Смоленский край в истории русской культуры. – Смоленск, 1973. – С. 104-109; Грузнова И.В. Функциональная значимость топонимов в структуре англоязычного поэтического текста. – Саранск, 2005. – С. 98-101; Долбунова Л.А., Дюкова Е.В. Роль топонимов в формировании художественного произведения / Лингвистические проблемы коммуникации. – Саранск, 2002. – С. 96-97.

¹⁷ Исҳоқов Ф. «Зарбулмасал»даги топонимлар ҳақида / Лексика, стилистика ва нутқ маданияти масалалари. – Тошкент, 1980. – Б. 56-70; Умуркулов Б. Стилистические функции топонимов в поэзии Гафура Гуляма / Материалы конференции по ономастике Узбекистана. – Джизак, 1985. – С. 28-29; Чориев Б. Гафур Фуломнинг топонимлардан фойдаланиш маҳорати // Ономастика Узбекистана, 1989. – С.95-96.

«Бадиий асар тилидаги географик жой номларини ўрганиш, аввало, топонимика илмини ривожлантириш учун муҳим бўлса, сўнгра ёзувчи услубини белгилаш учун ҳам аҳамиятлидир»¹⁸.

Фикримизча, бадиий асарда қўлланган топонимлар, энг аввало, бадииятга қай даражада хизмат қилганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши керак. Тадқиқотда бадиий матндаги топонимлар икки гуруҳга бўлиб ўрганилди: 1. Реал топонимлар. 2. Шартли (тўқима) топонимлар.

Реал топонимлар, яъни тилда мавжуд бўлган жой номлари бадиий матнда турли мақсадларда қўлланади. Масалан, баъзи топонимлар бадиий матнда кўчма маънода келиб, жиддий экспрессивликни юзага келтиради. Қуйидаги мисолда *Камчатка* топоними ана шу мақсадда қўлланган: *Кечаси олмадек лампочка хира ёритиб турган, сичқон ҳиди билан тўлган баракда йиғилиш бўлди. Биринчи курслар энг чеккада, қамишзорга туташиб кетган участкада эди. Одат шу, биринчи курсларни «Камчатка»га юборишади* (Ў.Ҳошимов. «Тушда кечган умрлар»). Маълумки, *Камчатка* – Россиядаги энг чекка ҳудудлардан бирининг номи. Мазкур ўлка номи тилимизда «энг чекка», «жуда узок жой», «бориш мушкул макон» каби маъноларда ҳам қўлланади. Бадиий матнда бу топоним ономастик метафора вазифасида келиб, ҳар қандай жойнинг чеккаси маъносини бериш учун ишлатилади. Бу ном қуйидаги мисолда ҳам айна маъноларда қўлланган: *Мен билмасдим – бу нур нима, билмасман ҳануз, У – мўтадил иқлимлардан йироқ макондир? Ёки етти ога-уни – қадрдон юлдуз, Ё ўзимнинг она юртим Ўзбекистондир?... Не бўлса ҳам, не бўлса ҳам, кўнги қатидан Ўрин олди, кўкрагимга яширдим уни: Бугун олис тасаввурлар Камчаткасидан Юрагимнинг пойтахтига кўчирдим уни!* (М.Кенжабоев. «География дарсларида»).

Ўзбек бадиий матнларида *Каъба* номи фаол қўлланувчи ономастик бирлик ҳисобланади. Маълумки, *Каъба* – ислом динининг энг асосий, муқаддас ибодатхонаси, бутун дунё мусулмонларининг энг муҳим маркази ва бирлиги рамзи бўлиб, у Маккадаги энг катта Масжиди ҳарамнинг марказида жойлашган. Қуйидаги мисолда *Каъба* топоними ўхшатиш санъатини ҳосил қилиб, ўхшатиш асосидан англашилувчи маънони кучайтиришга хизмат қилган: *Шеърят унинг учун Каъбадек муқаддас маскан эди* (Н.Каримов. «Миртемир»). Навбатдаги мисолда эса *Каъба* кўчма маънода қўлланиб, ономастик метафорани юзага келтирган. Бунда у «энг олий, муқаддас жой, даргоҳ» маъносининг бадиий ифодаси сифатида воқе бўлган ҳамда ўхшатиш, қиёслаш ва тенглаштиришга асосланган поэтонимик кўламини шакллантирган: *Самода юрибди ҳануз ёлғиз ой, Танҳолик қийнайди уни ҳойнаҳой. Йўқликдан ахтардим сенинг васлингни, Ким қайга сизинса, Каъба ўша жой* (А.Орипов. «Самода юрибди...»). *Онажон, Каъбам ўзинг, Сенсиз жаҳонни на қилай? Бўлмасанг ёнимда сен, Бу ошиёни на қилай?!* (Кўшиқдан).

¹⁸ Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 62–63.

Қуйидаги мисолда эса *Саҳройи Кабир* топоними воқеликни муболағали тарзда ифодалаш учун қўлланган. Бунда уйнинг икки («ниҳоятда кенглиги ва кимсасизлиги») жиҳатини Саҳройи Кабирга қиёслаш орқали таъсирчан ифода яратилган: *Хоним (ичкаридан овози). Бўсто-он! Бўстон, ўзингизми? Ҳа, ҳа... Нима-а? Нима бўпти?.. Алё! Ал-ё! Э, надарингга лаънат! Тагин ишламай қолди-я! Уй эмас бу, саҳро! Саҳройи Кабир!* (Э.Аъзам. «Жаннат ўзи қайдадир»).

